Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 22 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 81 (6977)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонлар!

Бугун Ўзбекистон ҳаётида буюк бир сана — шону шавкати етти оламни тутган, қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифнинг 2500 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқдамиз.

Мана шу тарихий воқеа билан сиз — бугунги тантана иштирокчиларини, Бухоро аҳлини, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантаналарда қатнашаётган БМТ, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига, хориждан келган меҳмонларимизга, ахборот воситалари вакилларига сизнинг номингиздан чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирмоқчиман.

Бухоро ўлкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.

Бухоро **«Куббатул Ислом»**, яъни **«Ислом динининг гумбази»** ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, **«Куввати дини Ислом»** деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир.

Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўрамиз.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

X асрнинг машҳур тарихчиси, асли бухоролик **Абу Бакр Муҳаммад Наршахий** нақл қилишича, Бухорога туркий қабилалар асос солган бўлиб, бу ерда **«сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашганлар».** Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган.

Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда эронлик **Кайхусрав,** милоддан аввалги IV асрда юнонлик **Искандар Зулқарнайн**, милодий VII асрда араблар, XIII асрда **Чингизхон,** XIX асрда эса рус истилочиларининг тажовузлари не-не кулфатлар келтирмади.

Бу азим шаҳар, **Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон** каби қадимги кентларни ўз бағрига олган Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келдилар.

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган **Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир Хотун (Тўмарис), Малика Қабаж Хотун** каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир.

Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий **хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар** сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.

Бухоро, айниқса, Темурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонида энг мўътабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чиқарди. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди.

1417 йили Бухорода **Мирзо Улуғбек** қурдирган мадраса-дарвозасига **«Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир»** деган сўзлар ўйиб ёзилганида жуда катта маъно мужассам. Худди шунингдек, 1433 йили Улуғбек томонидан Ғиждувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.

Бугун ҳам замин узра савлат кўтариб турган меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалар, савдо ва ҳунармандлар тимлари, шифохоналар ва хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошдан кечирган буюк тарихнинг гувоҳларидир.

Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. **Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев** ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан буён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюк аждодларимиз мўътабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, Ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аждодлар номини абадул-абад сақлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Бу йил Бухоро ва Хива шаҳарлари 2500 йиллик муборак саналарининг Парижда кенг нишонланиши, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилиши, бугунги байрам тантаналарида кўплаб хорижлик азиз меҳмонларимиз — олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва дин пешволарининг иштирок этиши ўлкамизнинг илмий, меъморий ва маданий меросига халқаро жамоатчиликнинг тобора ошиб бораётган катта қизиқишидан далолат беради.

Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ дейдилар. Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир.

Элим деб, юртим деб, келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Бухоронинг 2500 йиллиги шу юртда яшаётган ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга, юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди.

Бу тантаналар биз бугун мустақилликка эришган ягона бир халқ сифатида буюк келажак сари интилаётганимиз шунчаки орзу-ҳавас бўлмай, балки халқимизнинг тарихий салоҳияти, асрлар давомидаги давлатчилиги, маданияти ва қадриятидан келиб чиқиб қўйилган аниқ мақсад эканини тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

АВЛОДЛАР АРДОҒИДАГИ ШАҲАРЛАР

Бу кўҳнаю муқаддас шаҳарлар бизга қадар ҳам башариятни ҳайратларга кўмган ва бу навқирону мўъжизакор шаҳарлар биздан сўнг ҳам инсониятни мудом ҳаяжонга солиб, мангу қад ростлаб туришига шубҳа йўқ. Бундаги соҳир иморатларга қўйилган ҳар бир гишт абадиятнинг мусти маҳкам пойдеворининг асосларидек, гўё. Сувратию сийрати эртакларга, афсоналарга менгзагулик бу нодир шаҳарлар асрлар давомида ўз мўъжизаларига тажовуз қилган каслар касридан неча бор азият чеккан бўлса, ўз бағрида аллома инсонларни етиштириб, шул фарзандлари камолидан осмони ёришди, миноралари кўнгилдек ўсди, кўкларга бўй чўзди. Аммо тарихга бир қур назар ташлангчи, бу шаҳарлар бугунгидек ўзига нисбатан бу қадар меҳрни, ардоқни сезганмикан! Халқимизда «Фарзандларингизнинг роҳатини кўринг» деган илиқ бир тилак бор. Бу нуроний шаҳарларимиз ҳам гўё бугун ўз фарзандларининг роҳатини кўраётгандек.

Дарвоқе, гап қайси шаҳарлар хусусида кетаётганлигини сезган бўлсангиз керак. Зеро, бугунги

(Давоми 2-бетда).

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бу йилги давлатга пахта топшириш бўйича ўз режаларини бажариб, 310 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйган Андижон вилояти меҳнаткашларига самимий тилаклар ва миннатдорчилик сўзлари битилган табрик хатини йўллади.**

- **Хива шаҳрининг 2500 йиллиги тантана қилинаётган шукуҳли кунларда Урганчда қуриб битказилган «Coca-Cola ichimligi» қўшма корхонасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бошқарув тугмачасини босиши билан ишлаб чиқариш жараёни бошланиб кетди.**

- **Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги машҳур нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини немис тилида чоп этди.**

- **Истанбулда бўлиб ўтган Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси конференциясида Ўзбекистон ушбу халқаро ташкилотнинг ижроия кенгаши аъзоси сифатида қабул қилинди.**

- **Шу йилнинг охирида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзоси сифатидаги ваколатлари тугайдиган Чили, Миср, Гвенея-Бисау, Польша ва Жанубий Корея ўрнига Габон, Гамбия, Бахрайн, Словения ва Бразилия ушбу Кенгашнинг нодоимий аъзолари этиб сайланди.**

- **Хитойда бўлиб ўтган XV жаҳон конгрессида 2010 йилга бориб дунёда табиий газга бўлган эҳтиёж айни кундагидан 900 миллиард куб метрга кўпайиши, яъни 3 триллион куб метрни ташкил этиши эълон қилинди.**

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз ватандошлар, муҳтарам Хоразм ва Хива аҳли!

Қадрли меҳмонлар!

Шу кунларда юртимизда жуда катта тўйлар ва тантаналар давом этмоқда. Кеча Зарафшон воҳасида кўҳна Бухоромизнинг муборак ёшини нишонлаган бўлсак, мана бугун халқимиз, миллатимизнинг яна бир фахри ва ғурури бўлмиш, бутун оламга машҳур гўзал Хивамизнинг 2500 йиллик тўйини шоду ҳуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.

Сизларнинг барчангизни, авваламбор сиз — азиз Хоразм аҳлини ва бутун Ўзбекистон халқини, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларни ана шу шонли сана муносабати билан чин қалбдан, самимий муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Имкониятдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига, ахборот воситалари вакилларига ўзимнинг алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб-кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.

Бундан икки минг йил аввал яшаган римлик тарихчи **Помпей Трог** туркий халқларнинг энг қадимги аждодлари ҳақида шундай деб ёзган: **«Бақтрияликлар, сўғдлар ва хоразмликлар келиб чиқишнинг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмоний ҳаддан ташқари кучлидир. Ўзларига тегишли бирор нарсани қўлдан чиқаришни истамайдилар. Фақат ғалабага интиладилар».**

Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир.

Азиз юртдошларим!

Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм ўғлонларидан **Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди** каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.

Нажмиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинидан озод қилиш учун жанг қилиб, қўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вакили Жалолиддин ҳам ўн бир йил давомида мўғулларнинг ғарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Ғаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, ватан дея ҳалок бўлди.

Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида мужассам этади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртларида ўрганадиган **алгебра, алгоритм** каби кашфиётларга асос солган **Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий** бу гўзал воҳа номини дунёга машҳур этган.

Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини **Христофор Колумбдан** 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган буюк аждодимиз **Абу Райҳон Беруний** мана шу муқаддас заминда туғилган.

Маккаи Мукаррама Амири Ибн Ваҳҳос XII асрда яшаб ўтган яна бир буюк ватандошимиз — араб тилининг мукаммал грамматикасини яратган инсонни улуғлаб: **«Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замаҳшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Маҳмуд Аз-Замаҳшарийдек алломани дунёга келтирди»,** деб тасанно айтган эди.

Бундан минг йил муқаддам одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — **Маъмун академияси** Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлар эди.

Хоразм ва Хива заминида яшаган **Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳовуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолиддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирожиддин Саккокий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши** каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоирлар ва санъаткорлар номини биз — бугунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз.

Биз бугун Хиванинг 2500 йиллик тарихига назар солар эканмиз, тарихнинг энг суронли даврларида ҳам аждодларимиз озодликка, маърифатга, яратувчиликка интилиб яшаганларига гувоҳ бўламиз. Бугун салобат билан кўкка бўй чўзиб турган тарихий ёдгорликлар, нодир обидалар ва осори атиқалар шундан далолатдир.

Зеро, қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюк Ипак йўли мана шу макондан ўтган. Бу йўл нафақат савдо кўприги вазифасини бажарган, балки узоқ асрлар давомида турли миллат ва мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

Ҳар қандай миллат ҳам Хивадай масканни яратгани ва асрлар мобайнида эъзозлаб сақлагани учун ғурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади. Ичанқалъа ва Дишанқалъа мажмуи, хусусан, Шерғозихон, Муҳаммад Раҳимхон, Исфандиёрхон мадрасалари халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган юксак салоҳияти, нафис маҳоратига, миллий маданиятимизга қўйилган бебаҳо ёдгорликдир.

Азиз ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатингизни қаратишни истардим. Мустамлакачилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга урриб келинди, таъқиб остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккирларни саводсиз, жоҳил, илму маърифат душмани деб таҳқир этишга уриндилар.

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм-фан чўққиларини забт этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олиммутафаккирлар, дин пешволари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртларида ҳам ўз мўътабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди деб ўйлайман.

Минг бора шукроналар бўлсинким, адолат яна қарор топди. Буюк аждодларимизнинг номлари яна тикланди.

(Давоми 2-бетда).

ММММ

ХАБАРЛАРИ

МЕҲМОНЛАР КЕЛИШДИ

Яқинда ТошДУ қошидаги Саъди Сирожиддинов номли лицей-интернатга атоқли ёзувчи У. Ҳошимов ва Ўзбекистон республикаси телевидениеси режиссёри М. Мирзааҳмедовлар ташриф буюришиб, ўқувчилар билан қизиқарли учрашув ўтказишди.

Меҳмонлар ёшларга юртимизда иқтидорли болаларга эътиборнинг узгачалигини, бу курсатилаётган ғамхурликка жавобан улар ҳам ўз иқтидорларини, билимларини камол топтириб, ватанимизга муносиб ворислар бўлиб етишишлари зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда лицей ўқувчилари У. Ҳошимов асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишларини қойилмақом намойиш этишиб, меҳмонларни хушнуд этди.

Лола БЕГМАТОВА.

HARAKATDA BARAKAT

Chiroqchi tumani Chuvulloq qishlog'ida joylashgan maktabning matematika o'qituvchisi Xolbozor Normatov tadbirkor chiqdi.

U mashg'ulotlardan bo'sh paytlarida asalarichilik bilan shug'ullanayapti. 30 quti asal arisi tunu kun parvarishda. Ha, ro'zg'or farovonligi, xalq dasturxoning to'kinligi yo'lida izlangan odam imkon topadi, deb shuni aytsa kerak-da.

B. BOBORAHMATOV.

ОТАЛИҚ ОТАЛИК ҚИЛЯПТИ

А. Мамажонов раҳбарлик қилаётган Андижон вагон депоси шаҳардаги 44-мактабга оталиқ ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилот яқинда мактабда қизлар учун тикув цехи, ўғил болалар учун устахона қуриб берди.

Яна бундан ташқари мактаб спорт майдончаси таъмирланди, янги футбол майдончаси ишга туширилди.

Шу ташкилот оталиққа олгандан кейинги икки йилда мактаб таъмирлаш ишларини ҳам шаҳарда биринчи бўлиб тугалламоқда. Ўқитувчилар, ўқувчилар, шунингдек, ота-оналар ҳам уларнинг бу хайрли ишларидан чексиз миннатдор.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Боши 1-бетда).

Бу масаланинг яна бир томони борки, уни айтиб ўтмасдан бўлмайди деб ўйлайман. Биз бугун истиқлол йўлида, озод ва обод Ватанимизни қуриш йўлида дадил қадам қўяётган дамларда, бизнинг шу интилишларимизни кўролмайдиган, йўлимизни тўсиб олмоқчи бўлган ёвуз кучлар тарихимизни чалғитиб кўрсатишга, ёлғон гапларни кўтаришга, шу саховатли ерда яшаётган миллат ва элатлар орасига адоват уруғини сепишга ҳаракат қилаётганларнинг тўғри баҳосини бермоғимиз даркор. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга.

Бу шундай ҳақиқатким, баъзи ашаддий миллатчилик йўлига ўтиб олган, ўзгаларни кўролмайдиган, ҳасад билан яшайдиганларнинг кучини қирқади, бошқаларнинг тинчлигини бузиш ниятида осойишта тараққиёт йўлига ғов бўладиганларнинг томирини қирқади. Фарзандларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб беради. Ҳақиқий тарих **«Куч—адолатда»** ҳикматининг нақадар тўғрилигини исботлайди.

Халқимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлмиш Бухоро тарихи шукуҳли ва муборак кунлар билан бир қаторда жуда оғир ва мусибатли дамларга ҳам гувоҳ бўлди. Кўплаб босқинларни бошдан кечирди, неча марта вайрон этилди, ўт ичида қолди. Бу муқаддас тупроқда бегуноҳ қонлар тўкилди, муҳташам обида, минора ва азиз-авлиёларнинг қабрлари оёқ ости қилинди. Аммо бухороликлар ўз она шаҳарларини мардонавор ҳимоя этдилар ва неча бор қайта қурдилар, тикладилар,

Сўнгги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат ҳаммамизга маълум. Инқилоб баҳонасида бу шарофатли шаҳар обидалари яна бир бор вайрона этилди, унинг асл фарзандлари қатағон қилинди. Халқ ва унинг моддий-маънавий меросига кўрсатилган бундай муносабат собиқ шўролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади.

Муҳтарам жамоа!

Ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти бўй-бастини, унинг гўзаллигини дунё кўз ўнгида тўла-тўкис намоён эта олади. Бугун бу қадим шаҳар тўйи дунё миқёсида кенг нишонланаётган экан, бу ҳам истиқлолимиз шарофатидир.

Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шуҳ топмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга тушгани дунё аҳли тарафидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Шаҳар ва вилоятда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бухоронинг тенгсиз зардўзи либослари, олтинга тенг пилласи, қоракўл терилари жаҳон бозорида муносиб баҳосини олмоқда.

Шарқ меъморчилик санъатининг ноёб намуналари бўлган барча қадимий обидалар мустақиллик шарофати билан яна асл шаклига қайтмоқда.

Бухоронинг ва бухороликларнинг яна бир катта ютуғи шундаки, бугун бу табаррук заминда турли миллату динга мансуб кишилар — тожиклар, туркманлар, руслар, яҳудийлар, қозоқлар, корейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшамоқдалар.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, ғурури баланд, илмпарвар ва меҳнатсевар Бухоро аҳлига халқимиз номидан, шахсан ўз номимдан миннатдорлик изҳор этишни ва уларга чуқур таъзим қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар.

Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи ғишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.

Янги ўсиб келаётган авлодларимиз ўз тарихини, юртини, азиз-авлиёларини, осори атиқаларини бошига кўтариб, шу тариқа миллий туйғу, миллий ғурур, миллий ифтихор ҳиссиётини кўкка кўтариб, умумбашарий қадриятлар хазинасига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Сизларни яна бир карра Бухорои шарифнинг қутлуғ тўйи билан чин кўнгилдан табриклайман!

Барчамизга аждодларимизга муносиб, яна минг йилларга давомдор буюк ишлар қилиш бахти насиб этсин!

Яратганнинг ўзи бизнинг барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Боши 1-бетда).

Ватанимиз тарихида сиёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганига ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топганига бугун ҳеч ким шак келтиролмайди.

Шу маънода, хоразмшоҳлардан **Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад,** Хива хонларидан **Абулқозий Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз)** ва бошқаларнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар бўлганларини эслаб ўтишимиз жоиздир.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги тантаналар — қадимий Хиванинг 2500 йиллик тўйини нишонлашимиз маънавий ислоҳотларимизнинг узвий бир қисмидир.

Хиванинг тўйи ёш авлод қалбида ўзлигини англаш, бебаҳо меросимизга ворислик, халқ яратувчилик даҳосига ҳурмат, бунёдкорлик ишларига рағбат туйғуларини уйғотишига ишонаман. Хиванинг тўйи халқимизнинг ўз ўтмишига, миллий қадриятларга самимий иззат-эҳтиромини янада кучайтирмоғи муқаррар.

Биз бугун ҳар бир интилиш — ташаббусимизда, олдинга қўйилган ҳар бир қадамимизда аждодларимизнинг уйғоқ ва мададкор руҳини сезиб турибмиз.

Шу нуқтаи назардан, Хиванинг тўйи фақатгина тарихимизнинг бебаҳо саҳифаларини тиклаш, маданиятимизни бойитиш йўлида хизмат қилиб қолмай, балки бевосита олий мақсадимиз — келажаги буюк давлатимиз пойдеворини шакллантириб, ўзимизнинг миллий анъаналаримизга суянган дастурлар асосида тараққий топган демократик давлатлар қаторида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига хизмат қилажак.

Мен шуни алоҳида ғурур ва мамнуният билан айтаманки, асрий ва бетакрор обидалар, минг йиллик анъаналар билан бир қаторда, Хоразмнинг яна бир улуғ ва улкан бойлиги бор. Бу бойлик — шу муқаддас заминда яшаб келаётган оқ кўнгил, бағри кенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол инсонлардир. Хоразмни Хоразм қилиб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, довруғини дунёга таратаётган шу элнинг ақл-заковати, омилкорлиги, билим ва тажрибаси, саботматонатидир.

Қадимдан деҳқончилик маданияти гуркираб ривожланган Хоразмнинг миришкор деҳқонлари салоҳияти тўғрисида алоҳида тўхташни истардим.

Ўзингиз ўйланг, милоддан аввалги VIII-VII асрлардаёқ узунлиги 60-70 километр, эни 35-40 метр бўлган каналлардан иборат мураккаб ва улкан сунъий суғориш тизимларини яратиб, деҳқончилик қилган кўҳна Хоразм аҳли заковати ва матонатига қойил қолмай бўладими.

Қуш учса қаноти қуядиган Қоракум саҳроси билан йил ўн икки ой мардона олишиб, ҳар бир томчи сувни гавҳардек авайлаб мўл ҳосил етиштириш ҳар қандай деҳқоннинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунга фақатгина деҳқончилик илмининг пири бўлиб кетган хоразмлик миришкорларгина қодир.

Агар мендан ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси нима, деб сўрашса, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонликдир, деб жавоб берган бўлардим.

Мана бу йил ҳам Хоразм аҳли пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этди. Бу ғалаба ҳақиқатан ҳам ватанимиз нишони бўлмиш гўзал Хиванинг 2500 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз — азиз Хоразм деҳқонларини, барча Хоразм аҳлини мана шу тўёна билан яна бир карра муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Буюк аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром хоразмликлар табиатининг ўзига хос жиҳатидир. Воҳа аҳли мустақиллик йилларида яна бир эзгу ва савоб иш билан мамлакатга намуна бўлди: вилоятда халқимизнинг атоқли намояндалари шарафига 20 дан зиёд боғлар бунёд этилди. **Навоий боғи, Қодирий боғи** каби жозибадор гўшалар ижод ва яратувчилик туйғусига ошно бўлган ҳар бир инсонни бағрига чорламоқда.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам хоразмликлар шаҳдам қадамлар қўймоқда. Мамлакатимиздаги энг йирик қанд заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, қанчадан-қанча янги корхоналар ишга тушмоқда. Урганч аэропорти қайта таъмирланди. Урганчдан то Хивага қадар 34 километрли троллейбус йўли ишга тушди.

Хива шаҳри таъмирланиб, янги чирой ва сайқал касб этди. Бу хайрли ишлари учун Хоразмнинг саховатли қурувчи ва меъморларига, барча меҳнаткашларига самимий ташаккур билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида омад тиламоқчиман.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Биз, Ўзбекистон аҳли, шуни яхши англаймизки, **дунёдаги барча халқларнинг келажаги башарият ўзининг бутун тарихи давомида яратган буюк умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, авайлаб-асраш ва янада ривожлантиришга боғликдир.**

Янги минг йилликка қадам қўяр экан, улуғ маданий ва маънавий анъаналарнинг вориси бўлмиш бизнинг халқимиз ўз истиқболини дунё ҳамжамиятига кириш, бутун сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган ҳолда кўради.

Бугун ўтказилаётган тантаналар ҳам, бу тантаналарда жаҳоннинг турли минтақаларидан келган буюк олимлар, тарихчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари арбоблари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО раҳбариятидан ваколатли меҳмонлар қатнашаётгани ҳам бунинг яққол далолати ва исботи деб биламан.

Хивадаги мангуликка дахлдор обидалар ўзбек халқининг насл-насаби қадимий ва мўътабар эканлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди. Биз бундан ғурурланиш билан бир қаторда, зиммамизда чуқур маънавий масъулият юкини ҳам ҳис этмоғимиз даркор.

Бу масъулият — отамерос юртимизни жон-дилдан севиш, асраб-авайлаш, келажак авлодларга янада гўзал, янада обод қиёфада етказиш бурчидир.

Шундай муқаддас ва мўътабар диёрда туғилишнинг ўзи катта бахт.

Комил ишонч билан айта оламанки, бизнинг озодлигимиз, ҳурриятимиз қудрати билан бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм воҳаси ҳам ҳадемай ўз тараққиётининг янги ва юксак даврига киради.

Бу табаррук заминдан етишиб чиқадиган юзлаб хоразмийлар, беруниийлар, замахшарийлар ўзларининг тенгсиз салоҳияти билан жумлаи жаҳонни ҳайратга солади. Ўзларига қанот берган Хоразм диёри шон-шуҳратига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бизнинг бугунги бунёдкорлик ишларимиз, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошираётган ислоҳотларимиз, буюк тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз ана шу ишончга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Азиз ватандошларим, дўстларим!

Хиванинг қутлуғ тўйи билан ҳар бирингизни яна бир карра чин дилдан қутлаб, барчангизга энг эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Она Ўзбекистонимиз, муқаддас Хоразм замини гуллаб-яшнасин, файзу баракага тўлсин!

Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар — миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё тургунча турсин!

Халқимизнинг, миллатимизнинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Бахт, омад — ёримиз, Оллоҳ — мададкоримиз бўлсин!

ИЛМ-ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШИЛГАН БУЮК ҲИССА

БУХОРО, 19 октябрь. *Бу ерда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка» мавзуидаги халқаро симпозиум иш бошлади. Уни Узбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев бошқарди.*

Республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев симпозиум қатнашчиларини қадимий шаҳарларимиз юбилейи билан қизғин қутлаб, халқаро анжуман ишига муваффақият тилади.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг Узбекистон ваколатхонаси раҳбари, мазкур нуфузли ташкилотнинг расмий вакили Барри Лейн, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов мустақиллик шарофати, юртимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан маънавиятни юксалтириш борасидаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис шундай илмий анжуман ўтказиш имконияти туғилганини таъкидладилар. Қоларверса, Абу Ҳафси Кабир, Имом ал-Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий каби дунёга машҳур улуғ сиймолар мана шу саховатли заминда вояга етиб, илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссалари ила Бухорои шариф шуҳратини етти иқлимга таратганлар.

Симпозиумда АҚШ, Франция, Германия, Греция, Миср, Россия, Ҳиндистон каби дунёнинг элликдан ортиқ мамлакати ва бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашаётгани ҳам унинг юксак мавқеидан далолат бериб турибди.

Анжуман қатнашчилари Узбекистон Фанлар академияси вице-президенти А. Муҳаммаджоновнинг «Бухоро ва Хива шаҳарлари жаҳон урбанистик жараёни тизимида», Гарвард университети профессори Р. Фрайнинг «Манбаларда Бухоро шаҳри ва воҳасининг илк тарихи» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар. Сўнг анжуман мажлислари шуъбаларга бўлинган ҳолда давом этди.

Мазкур симпозиум доирасига кирувчи «Бухоро ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро конференцияда шаҳар тарихи, маданияти, унинг жаҳон цивилизацияси ва илмий тафаккурига таъсири ҳақидаги маърузалар ўқилди.

ХИВА. 20 октябрь. *Бу ерда симпозиум доирасидаги иккинчи анжуман — «Хива ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.*

Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Т. Дусчонов конференция қатнашчиларини буюк сана билан табриклади.

Дарҳақиқат, инсоният тарихида биринчи академия Хоразмда ташкил топган эди. Дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Шайх Нажмиддин Кўбро, шеърият бустонида нурли из қолдирган Огаҳий, Мунис, Комил Хоразмий, Феруз шу табаррук заминда камол топган.

Анжуманда Бирлашган Араб Амирликларидан келган олим Муҳаммад Ясир Шарафнинг «Араб манбалари Кубравия, Нақшбандия ва бошқа тариқатлар ҳақида», Урганч университети ректори А. Саъдуллаевнинг «Хоразм намояндаларининг математика фанига қўшган ҳиссаси» каби ўнлаб маърузалар тингланди.

Сўнг «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка» халқаро симпозиумининг якуний ялпи мажлиси бўлди. Унинг якуний ҳужжатлари қабул қилинди.

Халқаро анжуман якунларига бағишланган матбуот конференциясида унда ўқилган маърузаларнинг Хива ва Бухоро шаҳарларининг тарихини, маданиятини ўрганишдаги муҳим аҳамияти таъкидланди. Конференция қатнашчилари — олимлар ва мутахассислар маҳаллий ва хорижий мухбирларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Илмий анжуманларда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У. Раҳматов, В. Норов, Р. Баҳодиров қатнашди.

(ЎзА).



Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи мустақиллигимизнинг илк йилида очилган кенжа илм даргоҳларидан бири саналади. Айни пайтда лицейда иқтисод, тарих, адабиёт, санъат, инглиз тили йўналишлари бўйича республикамизнинг турли вилоятларидан келган 340 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга турли фанлардан тажрибали соҳа мутахассислари сабоқ беришяпти.

Ўтган ўқув йилида лицейни муваффақиятли тамомлаган 90 нафар битирувчидан 87 нафари олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди. Лицей битирувчилари орасида Туркия, Япония, Ҳиндистон каби давлатларнинг олий ўқув даргоҳларида ўқишни давом эттираётганлар ҳам кўплаб топилади.

СУРАТДА: лицей ҳаётидан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

АВЛОДЛАР АРДОҒИДАГИ ШАҲАРЛАР

(Боши 1-бетда).

кунимизнинг бош мавзуси, бобокалон шаҳарларимиз — Бухорои шариф ва муқаддас Хива шаҳарларининг қутлуғ 2500 йиллиги байрамини барча бирдек нишонлаётганлигига шубҳа йўқ.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қарори чиқиши биланоқ ушбу тантанага катта тайёргарлик ишлари бошланиб кетган эди. Байрам дастлаб ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳида бошланди, сўнгра бу нуфузли халқаро ташкилот қарорига кўра, у дунё миқёсида кенг нишонланмоқда. Бу албатта, мамлакатимизнинг истиқлолдан сўнг жаҳон ҳамжамиятидаги эришган юксак обрўйидан ҳам далолатдир.

19 октябрь куни Бухоронинг Пойи Калон майдонида шариф шаҳар тўйининг авж тантаналари бўлиб ўтди. Бу ерга байрам муносабати билан вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар, дин пешволари ташриф буюришди. Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Минораи Калон деворларига ўрнатилган ёриттичлар гирдо-гирдни нурафшон этди. Майдон узра мусиқа садолари янгради. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов табрик нутқи сўзлаб, байрам қатнашчиларини ва барча ватандошларимизни қутлуғ айём билан муборак этди. ЮНЕСКОнинг расмий вакили Барри Лейн байрам қатнашчиларига мазкур халқаро ташкилот Бош директори Федерико Майорнинг табригини етказди.

Шоирлар Хуршид Даврон ва Садриддин Салим Бухорий сценарийси асосида таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган, Бухоронинг ўтмишию бугунидан ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томошалар байрам иштирокчиларини хушнуд этди. Меҳмонлар қутлуғ туй шарофати билан Бухоронинг бутунлай ўзгача кўрку тароват касб этганлигини алоҳида эътироф этишди.

20 октябрь куни байрам тантаналари Хива шаҳрига кўчди. Бухорода бўлганидек, Хивага ҳам вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар вакиллари ташриф буюрдилар ва байрамона безатилган арк майдонидан жой олдилар. Байрам муносабати билан шаҳарда юз берган барча ижобий ўзгаришлар кунгилларга сурур олиб кирди.

Маросимда Президент Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади. Йиғилганларни, бутун Узбекистон аҳлини қадимий шаҳар тўйи билан самимий қутлади.

ЮНЕСКО расмий вакили Барри Лейн Хива аҳлини, Узбекистон халқини қутлуғ байрам билан муборакбод этди.

Шоир Омон Матчон, режиссёр Рустам Ҳамидов, бастакор Рустам Абдуллаев ижодий ҳамкорлигида тайёрланган байрам томошаси Хива шаҳрининг узоқ тарихини ва бугунги қайноқ кунини, порлоқ истиқболини намоён этди. Томоша сўнгида «Лазги» рақси оммавий равишда ижро этилди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро ва Хива шаҳарларининг қутлуғ тўйига бағишланган тантаналар кутаринки руҳ ва шоду ҳуррамлик билан утди.

Байрам танатаналарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур юбилейларни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У. Раҳматов, В. Норов, Р. Баҳодиров, Президент девони ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов, Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов қатнашди.

ҲАР ДОИМ ЎЙИМДАСИЗ

Одамзод сажда қилади. Лекин фақат ўзи учун муқаддас санаган муждаларга. Ҳа, булар муборак қадамжолар, туғилиб ўсган тупроқ, аждодлар ҳоки-пойи... ва яна кимлар учун нималардир.

Яна нималар? Мен ҳар гал Юнусобод туманидаги Дмитров номидаги мактаб биноси ёнидан ўтар эканман, шу савол хаёлимда чарх уради. Қандайдир куч унга жавоб топишга ундайди. Шууримда шу жумбоқни топгандай бўламан. Ҳа, азизлар сизга хат-савод ўргатган, мавжудликнинг сирли оламига тетапоя қилган, ҳаёт уммонида сизга қанот бағишлаган мактаб ҳам муқаддас даргоҳ экан. У яна шундайин муқаддас даргоҳки, доимий тозаришда, доимий яшаришда.

Эҳ-ҳе, менинг юқорида номи тилга олинган мактабни тугатганимга ҳам 46 йил тўлибди. Фарзандларим ҳам аллақачон тугатишган, ҳозирда набираларим ўқишяпти.

Устозлар-чи? Менга сабоқ берганлари ҳозир нуроний кексалар. Шунинг учундир баъзан унга «сиғингинг» келади. Шудир балким ҳар сафар мени ўйлашга мажбур этаётган туйғу.

Дилбар МАҚСУДОВА.

БИЛАСИЗМИ?

Утмишда қўпгина тоғ, дарё, шаҳар ва қишлоқлар бир эмас, бир неча ном билан аталган. Орол денгизининг ҳам йигирматача номи бўлган.

Орол денгизининг номи асли қозоқча «Арал-тенгиз» деган сўзлардан олинган бўлиб, «Орол шаклидаги денгиз» маъносини англатади.

***

Амударёни юнонлар ҳамда римликлар Окус ёки Оксус, араблар эса «Жайхун», яъни «Телба» деб атаганлар.

Дарёнинг ҳозирги номи эса Амуля шаҳри (XVI аср) номидан олинган. Шаҳар кейинчалик Чоржўй деб атала бошланган.

***

Рак ўсмаси ранги ва кўринишидан панжасини очиб турган қисқичбақага ўхшаб кетади. Шунга кўра унга рак (қисқичбақа) деган ном берилган. Илгари табиблар ракни саратон деб аташарди.

«Саратон» арабча сўз бўлиб, русчаси — рак, ўзбекчаси эса қисқичбақа.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида мамлакатимиздаги Миср Араб Республикаси элчихонаси қошидаги Фан ва таълим маркази билан ҳамкорликда Миср маданияти куни илмий анжумани уюштирилди. Йиғилишда сўзга чиққан Миср Араб Республикаси фавқулодда ва мухтор элчиси, доктор Мамдуд Шавқий иккала мамлакат халқлари ўртасидаги маданий алоқалар ривожидан мамнун эканлигини шундай баён қилди:

— Сизлар бизнинг маданиятимизга қанчалик қизиқиш билан қарасангизлар, бизлар ҳам ўз навбатида сизларнинг маданиятингизни шунчалик ҳурмат қиламиз. Буюк бобокалонларингиз Ал Бухорий, Ат Термизий Нақшбандий, Ибн Сино, Беруниийларни халқимиз қадрлайди ва шундай алломаларни етиштириб чиқарган ўзбек халқини ҳурмат қилади. Бу ҳурматга мисол тариқасида шуни айтмоқчиманки, мен яшайдиган маҳалла шифохонаси Ибн Сино номи билан аталади, Қоҳирада катта бир мавзенинг номи «Ўзбекистон».

Пойтахтимиздаги Миср элчихонаси қошида Таълим ва фан маркази фаолият кўрсата бошлаганига 2 йилдан ошибди.

Марказ мудири профессор Одил Шиха ҳозирда бу ерда ТошДУ, Тошкент халқаро иқтисодий алоқалар ва дипломатия университети, Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетидан 1000 дан ортиқ талаба ўз билимларини мустаҳкамлаётгани, тил ўрганаётгани ва Мисрга бориб ўқиб келиш имкониятига эга бўлаётганлигини айтиб ўтди ва айни дамда ушбу институт билан ҳам ҳамкорлик қилиш ниятида эканликларини билдирди.

Институт ректори Баҳром Қодиров ва элчи жаноблари ўзаро эсдалик совғаларини топширишиб, бу бўлажак маданий алоқалар пойдеворига асос бўлишига ишонч билдиришди.

Шунингдек, сўзга чиққан Халқ таълими вазири муовини Хайриддин Маъсудов ҳам фан ва маданият соҳасидаги алоқаларнинг ривожидан мамнун эканлигини билдирди.

Анжуманда институт профессор-ўқитувчилари, талабалар Миср тарихи, бугуни тўғрисида илмий маърузалар қилишди. Мусиқа факультети талабаларининг ўзбек ва араб тилларида ижро этишган қўшиқ ҳамда рақсларини эса барча қизиқиш билан томоша қилишди.

Рустам БОЙМАТОВ.

Qadriyatlarimiz

СОҲИБҚИРОН ТУШИДА БЕЛГИ БЕРГАН

ёхуд Бадр Ота ҳақида

Юртимизнинг ҳар бир тоғу тоши, ҳар бир қарич тупроғи олис тарихдан сузлайди. Бу заминда улуғ жаҳонгирларнинг изи қолган, истибдодга қарши курашларда нене баҳодирлар етишиб чиққан, азиз-авлиёлар халқчил тариқатларни эл ичра ёйган.

Хатирчида Қорача деган қишлоқ бор. Бу ерда Яссавий тариқатининг давомчиларидан булган Бадр ота яшаб утган.

Хуш, Бадр ота ким ўзи?

Бадр ота Занги отанинг тўрт муридидан биридир. Маълумки, Занги отанинг Бадр отадан ташқари Садр ота, Узўн Ҳасан ота, Саййид ота деган муриддари бўлган.

Буларнинг яқинлик тарихи Салоҳиддин Тошканднйнинг «Темурнома» асарида шундай баён этилади: «Саййид ота отга миниб, дарё ёқасига келиб, ондин утиб Тошкандга юзланиб борур эдилар. Йулда Бадр ота, Садр ота, Узун Ҳасан ота Хоразм томондан келиб, бу кишига қушилиб, тўртовлари пири комил талаб қилиб, Тошкандга яқин келдилар. Ул мавзеъ Тошкандга бир тощдир».

Бу ҳозирги Зангиота мақбараси жойлашган мавзе эканлигига шубҳа қилмайсиз, албатта.

Нақл қилишларича, Бадр ота Бухоройи шарифдаги мадрасалардан бирида таълим олган. Кейин бориб, Занги отага мурид тушган. Вақти-соати етгач, Занги ота муридн қулига бир асо тутқазган ва шу асо қаерда илдиз отса, ана шу жойни бориб муқим яшанг, уша ерни обод қилинг, деган. Пирнинг угитига амал қилиб, Бадр ота йулга тушибдилар. Мана шу Қорачиқ қишлоғига келганларида асо кукара бошлаганлигини сезибди. Куп утмай, асодан чинор унибди. Шу-шу, Бадр ота шу ерда муқим яшаб, улусни дину имонга ва маърифатга даъват этиб умр кечирибдилар.

Мана шунга ҳам олти юз йилча вақт бўлди. Бадр ота оламдан ўтгач, XIV асрда бу ерда Бадр ота масжиди қад ростлади. Бадр ота мақбараси ҳам ҳозир шу масжид ичида жойлашган.

Бизга маълум бўлган манбаъларга таяниб, шуни айтиш мумкинки, бадр дегани тўлин ой маъносини англатади, ҳазратнинг асл исмлари Абдуразоқ хўжа бинни Абдуваҳобдир!

Бадр ота «Китоби байъ» («Савдо-сотиқ қоидалари») китобини араб тилидан ўгирган, бу асар ҳамон сақланиб келмоқда. Бадр отанинг ўзлари кафолат беришича, Хатирчининг Қорача қишлоғида таваллуд топган. Бухоройи шарифнинг Мир Араб мадрасасида мударрислик қилган.

Албатта, Бадр ота, у кишининг ҳаёт йули, вафотлари ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Айрим манбаъларга кўра, у киши улимларидан бир кун аввал туш кўрганлар, туплари таъбирини Занги отадан сураса, ҳазрат соҳибқирон дунёга келиши аён булганлигини айтганлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Бадр ота Амир Темур таваллуд топган йили оламдан ўтган...

Истиқлол шарофати билан азалий қадриятларимиз ўз мақомини эгаллай бошлади, ўтган йили Қорача қишлоғидаги Бадр ота масжиди таъмирланиб, мақбара барпо этилди. Бу жой халқнинг азиз зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Албатта, Яссавий тариқатининг давомчилари булган Занги ота ва у кишининг муридлари, шу жумладан Бадр ота ҳам эл-юрт ичида илму маърифатни, имону эътиқодни тарғиб этганлар. Бундай азизлар ҳаёти ҳар биримиз учун ибратдир. Шу маънода уларнинг ҳаёти олимларимизнинг тадқиқотларини кутиб ётибди.

Г. САТТОРОВА,
Хатирчи туманидаги 19-ўрта мактаб кутубхоначиси.

ГЎЗАЛЛИК — ДУНЁНИНГ УСТУНИ

Яқинда пойтахтнинг Киночилар уйида чин маънодаги санъат байрами бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси, республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати бўлди. Бу шодиёнада санъатнинг қатор турлари ўзаро муштарак ҳолда бир-бирини тўлдирди.

«Устозлар ва шогирдлар» ижодий кўргазмасини республика тасвирий санъат лицей-интернати директори Сами Содиқов кириш сўзи билан очиб берди. Унда «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси ўринбосари Исамат Эргашев, Ўзбекистон Бадиий академияси бош илмий котиби Акбар Ҳакимов ва байрам ҳомийси, «Ўқитувчилар тинчлик ва биродарлик учун» халқаро қўмитасининг Ўзбекистон бўйича раиси, доцент Дамира Рустамбековалар сўзга чиқишиб, ўзларининг лицей-интернат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Шундан сўнг «Устозлар ва шогирдлар» ижодий кўргазмаси очилди.

Киночилар уйининг кўргазмалар залида дид билан жойлаштирилган расм ва портретлар, халқ амалий санъатига дахлдор бўлган турли хилдаги нарсаларни кўришингиз мумкин. Бу ерда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг жами 150 дан ортиқ асарлари намойиш этилди. Айниқса, Н. Худойқуловнинг «Оила», С. Эргашевнинг «Тун», О. Каримовнинг «Натюрморт», А. Неичшовнинг «Ялмоғиз кампир», Р. Собирязованинг «Ҳиндистон мадоннаси», Ким Джон Ханнинг «Ўрмон сўқмоғи», И. Гильманованинг «Кузги Хива», М. Тохтаеванинг «Қор остидаги фаришта», А. Бессоновнинг «Тонгги нон», М. Аҳмедовнинг «Эрта баҳор» каби ўнлаб гўзал полотнолари кишини ўзига мафтун этади.

11-синф ўқувчиси Ш. Раҳимовнинг шарқона мебеллар тўплами, Л. Семтшаеванинг чой сервизи ва бошқа амалий ишлар ўзининг бежиримлиги, қулайлиги билан томошабинлар эътиборини ўзига тортди.

Айниқса постановкачи-режиссёр Наби Раззоқовнинг лицей-интернат ҳаётига бағишланган «Санъат ошёни» телефильми премьераси бўлиб ўтди. Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати фаолиятини ўзида акс эттирувчи бу телефильм томошабинларда чуқур таассурот уйғотди.

Тантанадан сўнг биз лицей-интернат директори Сами Содиқов билан юзма-юз бўлдик:

— Лицей-интернатимизнинг асосий вазифаси келажак авлодларни эстетик руҳда тарбиялашдир. Бу ерда таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг ижоди ва амалий ишларини тарғиб қилиш, қолаверса, халқимизнинг тарихий обидалари, амалий санъатини асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ИБТИДОИЙ МАКТАБЛАРДА ДАВЛАТ ТИЛИ

Маълумки, 1919 йил Туркистон маориф коллегиясининг Мунаввар қори бошлиқ турк шўъбаси коллегияга ибтидоий бошланғич мактабларда тил ўргатиш масаласи бўйича амалий таклиф билан мурожаат қилган эди. Бу илтимосномага биноан ўзбек гуруҳларига рус тили, рус гуруҳларига ўзбек тили 4-синфдан бошлаб киритилсин, дейилган. Аммо кейинчалик Туркистон маориф коллегиясида тил ўргатиш 2-синфдан бошлансин, деган қарор чиқарилган. Мунаввар қори бу қарорга эътироз билдириб, «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил йил 264-сонида мақола эълон қилади. Қуйида ўқувчилар диққатига ушбу мақола матни ҳавола қилинмоқда.

Маълумки, ҳозирда Туркистон жумҳуриятида расмий давлат тили икки хил (туркча ва русча)дир. ...Туркистонда очилган халқ мактабларининг ҳар бирида бу икки тилнинг ўқутилмоғи лозимдир. Эски ҳукумат замонида хазина тарафидан очилгон руску-туземний мактабларида биринчи йилдан бошлаб русча тили ўқутмак ҳамда бутун фанларни рус лисони ила таълим бермак мажбурий эди. Чунки ул мактаблар ҳақиқатдан турк болаларини илм бермак учун эмас, балки туркларни руслаштирмак мақсадида очилгон эди. Инқилобдан сўнг бу мақсадлар тамом ташлануб ҳар бир миллатга ўзи тилаганча яшамоққа кенг йўл очилди. Шунинг ила баробар руску-туземний мактаблар бир бутун ёпулуб, ўрнига миллий мактаблар очила бошланди. Миллий мактабларда эса ўқувлар бутун она тилинда булуб, давлат тилларидан бири (рус мактабларида туркча, турк мактабларида русча) бир фан булуб киритилди. Ўтган бутун Туркистон ўқутучилари қурултойи ҳамда мусулмон ўқутучилари қурултой бу масалани яхши тафтиш қилгонидан сўнгра ибтидоий мактабларга давлат тилларидан бири (турк мактабларина русча, рус мактабларина туркча) фақат 4-чи йилдагина киритилур, деган бир қарорга келди. Бу қарор Туркистон маориф коллегийаси тарафидан ҳам бир даража тасдиқ қилинуб декретлар ҳам чиқарилди. Ҳамда бутун мактабларда шул асосга яна ўқулар бошлануб, муаллумлар тайин этилди. Фақат шул қунлардагина Туркистон маориф коллегиасида бу масала янгидан қаралуб, турк мактабларига русча, рус мактабларига туркча 2-чи йилдан бошлаб ҳафтага учар соат киритилур, деган бир қарор чиқди. (Пруграммаси маориф журналида босилди.) Бу қарор Туркистон маориф комиссариатининг турк шўъбасига етушгач, фавқулодда мажлис ясаб, қуп музокарадан сунг турк шўъбаси зердаги (қуйидаги) қарорга келди: «Биринчи ҳозирда бутун ибтидоий мактабларга туркча ёҳуд русча тил ўқутучи, муаллимлар етишмаган сабабли, 2-чи бутун Русия мусулмон ўқутучилар қурултойи тарафидан ҳамда Туркистон ўқутучилари қурултойи тарафидан русчани 4-чи йилдангина бошлаб киритмакка қарор берилгани сабабли Туркистон маориф коллегийаси тарафидан ибтидоий мактабларга 2-чи йилдан бошлаб давлат тилларидан бири (русча ёки туркча) ҳафтада 2 соат ўқутулур, деган қарорни турк шўъбаси ғайр қобил татбиқ деб топадир. Шунинг ила баробар қурултойларнинг қарорларини ҳамда бундан муқаддам Туркистон маориф комиссарийати тарафидан декрет ила мустаҳкам қилинғон, русча ёҳуд туркча тил ибтидоий мактабларга 4-чи йилдангина киритилур, деган фикр бор кучи ила ёқлидир. Турк шўъбаси ўзининг ушбу қарорини маориф коллегийасига киритди. Маориф коллегийаси биринчи декабр мажлисида шўъбанинг ушбу тилагини рад қилди. Бунинг ила шўъба ўзининг вазифасини адо қилгон ҳисобланадир. Қолгон хизматни шўъба ҳар бир шаҳар ва уйазлардаги маориф шўролари ва муаллимлар сойузига топширадир. Бу хусусда ўз фикр ва тилакларини тейгишли ўрунларга маълум этмаклари албатта фойдадан холи бўлмаса керак.**

Турк шўъбасининг мудири: Мунаввар қори
«Иштирокиюн» 1919 йил № 62.

Филология фанлари доктори Эргаш УМАРОВ нашрга тайёрлади.

«Davlat tili haqida»gi Qonun — amalda

ТИЛИНИ СЕВГАН ЭЛИНИ СЕВАДИ

Мамлакатимизда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига роппа-роса саккиз йил тулди. Бу тарихан катта муддат эмас, аммо шу йиллар мобайнида тилимиз мавқеини кутариш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бироқ «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда, унинг асосидаги давлат дастурида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ҳали кўп ишлаш, шунингдек, жойлардаги муаммоларни мўваффақиятли ҳал этиш лозим. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги ушбу Қонуннинг бажарилиши бўйича тузилган назорат комиссиясининг куни кеча булиб ўтган навбатдаги йиғилишида ана шу фикрларга алоҳида ургу берилди.

Йиғилишни назорат комиссияси раиси, халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов очди ва олиб борди. Унда Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган «Мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия дастурларининг ҳаётга тадбиғи тўғрисида» ҳамда вазирлик назоратидаги бошқа тадбирларнинг бажарилиш аҳволи атрофлича таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида ХТВ мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Сайфиддин Худойбердиев, Сирдарё ВУМОИ ректори Эркин Куйбишевлар ҳисоботлари тингланди. Айтиш жоизки, вазирлик тасарруфидаги мактабгача тарбия муассасаларида, илм масканларида давлат дастури бўйича муайян ишлар бажарилди... Қувончлиси, уларнинг 1998 йилги иш режасида она тили таълими мазмунини тубдан яхшилаш чоралари белгиланган.

Йиғилиш руҳи бизда ҳам баъзи бир мулоҳазаларни уйғотди. Очиғи, ҳозир шаҳарлик айрим ёшлар нутқида ўзбек тили ҳамда рус тилини аралаш қуллаш ҳоллари учраяпти. Назаримизда, бу — «ўзини кўрсатиш фазилати» ўсмирлар ёшига хос хусусият. Шу боис илм масканларида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ташаббусни ўз қўлларига олишиб, ўзбек тилининг жозибасини, ўзига хос сеҳрини, миллий тилнинг ички тараққиёт қонунлари асосларини уларнинг шуурларига муҳрламоқдари шарт.

Бахтиёр ҚУРБОНБОЕВ,
ЎзРХТВ УЎТББ Бош назоратчи-услубиётчиси, вазирлик қошидаги матбуот маркази раҳбари.

Ona tilim — joni dilim

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 133-мактабда бўлиб ўтган «Тил — дил кўзгуси» деб номланган анжуманга туман мактабларидаги тил ўқитувчилари, халқ таълими бўлими ходимлари, «Камолот» жамғармаси туман бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ташриф буюришди. Бадиий сўз устаси, таниқли адиб Тоҳир Малик учрашув меҳмони бўлди.

— Ўзбек тили дунё маданиятига катта ҳисса қўшган тилдир, — дейди ёзувчи Тоҳир Малик учрашувда сўзга чиқиб. — Ўзбек тилига 1989 йилда давлат мақоми берилиши билан унинг тараққиётида янги босқич бошланди. Тилнинг софлиги, унинг равнақи учун курашиш ҳар бир кишининг ўз халқи, миллати олдидаги бурчи ҳисобланади. Бунда ижтимоий муҳит, тилнинг ўзига хос тараққиёт қонунлари ҳам ҳисобга олинмоғи керак. Маънавияти юксак инсоннинг гап-сўзида, ўзини тутишида маънилик бўлади. Хушхулқлик, гўзал забон, шарқона лутф ҳам маънавий баркамоллик белгиси ҳисобланади. Анъанавий тил байрамида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Қалбимизга кўзгу тил», «Алишер Навоий — ғазал мулкининг султони» мавзуларида очиқ дарслар ўтказилди, тил ўқитувчилари ўз маҳоратларини ҳамкасбларига намойиш қилдилар.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

INTERNET

ИККИНЧИ «ҚУЁШ»?!

Калифорния университети олимлари Д. Фигор ва М. Моррис «Хаббл» телескопида олиб борган изланишлари натижасида Ердан 25 минг ёруғлик йилида жойлашган, кучли туманлар ортидаги ноўмалум «қуёш»ни кашф этдилар. Радиуси 150 миллион километр бўлган бу юлдуз (Қуёшники 700 минг км) Қуёшнинг бир йиллик ёруғлигини 6 секундда чиқарар экан. Шакли қуролга ўхшагани боис унга «Пистолет» деб ном беришди. Бироқ нур таратиш бобидаги бундай саховати боис «Пистолет» 2—3 миллион йилда бутунлай сўниб қолиши мумкин. Янги ёруғлик манбаи аслида бир қанча юлдуздан иборат, деган гипотеза тарафдорлари ўз Қуёшимизнинг 4 миллиард йил нур сочишини эслатиб ўтмоқдалар.

АТЛАНТИДА ҚОЛДИҚЛАРИ

Қадимги Атлантида цивилизацияси тўғрисидаги афсоналарнинг қарийб барчаси юнон олими Платоннинг «Тимей» ва «Критий» асарларидаги маълумотларга асосланади. Унга кўра, «даҳшатли бир кун ва кечада» ер қаърига кириб кетган бу мамлакат денгиз ортида эди. Россиялик олим В. Кудрявцев афсоналар ичидан ҳақиқатни узоқ вақт қидириб, ниҳоят 1998 йилнинг баҳорида Атлантида диёрининг қолдиқларини қўлга киритишга уриниб кўрмоқчи. Унинг фикрича, Атлантлар Буюк Британия жанубидаги оролда яшаган бўлиб, уларнинг ороли музликларнинг кўплаб эриши туфайли ер остига чўка бошлаган. Фақат бу олимнинг айтишича, «бир кун ва кеча»да бўлган эмас.

Sport

«НАВБАҲОР» ҒОЛИБ

Ўтган ғалги хабаримизда биз футбол бўйича Осиё чемпионлари кубогининг навбатдаги учрашувида «Навбаҳор» (Наманган)—Туркманистоннинг «Ниса» клубини 6:1 ҳисобида ютганини эълон қилган эдик. Яқинда ушбу командаларнинг иккинчи учрашуви (Туркманистонда) бўлиб ўтди. Унда кучлар тенг келди — 3:3.

Шундай қилиб, «Навбаҳор» кейинги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея — 1:5.

Келгуси йили Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган Осиёдаги «Б» саралаш гуруҳида учрашувлар тугай деб қолди. Ўзбекистон терма командаси олтинчи ўйинда Жанубий Кореяни қабул қилди. Футболчиларимиз жуда суст ҳаракат қилиб, йирик мағлубиятга учради — 1:5.

Ушбу ғалабадан сўнг Жанубий Корея терма командаси Франция йўлланмасини қўлга киритди.

ҚОЗОҚҚА ТАН БЕРГАН АРАБЛАР

Саралаш учрашувларидан яна бири Алматида бўлиб ўтди. Қозоғистон терма командаси Бирлашган Араб Амирлиги футболчиларини қабул қилиб 3:0 га ютди. Бу ғалабадан сўнг қозоқларнинг мавқеи бир оз яхшиланди. Яъни улар 6 очкога эга бўлишди. Демак, қозоқларнинг Францияга боришга имконияти бор. Шу йилнинг 25 октябрида улар Ўзбекистон терма командасининг меҳмони бўлади.

...22 ТАСИ АНИҚЛАНДИ

Маълумки, футбол бўйича 16-жаҳон чемпионатида келгуси йили 34 команда қатнашади. 18 октябрь куни финалчиларнинг ярмидан кўпроғи аниқланди. Улар: Дания, Англия, Норвегия, Австрия, Германия, Голландия, Шотландия, Болгария, Испания, Руминия, Нигерия, Марокаш, Тунис, Комерун, ЖАР, Колумбия, Аргентина, Парагвай, Мексика ва Жанубий Корея.

Узоғи билан яна бир ойдан сўнг бошқа иштирокчилар ҳам маълум бўлади.

«СПАРТАК» ҚОЙИЛ ҚИЛДИ

УЕФА кубогида қатнашаётган «Сьон» (Швейцария) раҳбарлари дарвозаларнинг кичиклиги туфайли Москванинг «Спартак» командаси билан ўтказилган учрашув ҳисобидан норози бўлиб протест ёзганди.

Яқинда ушбу командаларнинг қайта ўйини ўтказилди. «Спартак» «Сьон»ни 5:1 натижа билан мағлуб этди. Тўпларнинг биттасини собиқ «Пахтакор»чи Валерий Кечинов киритди.

maydonchasi

Mushoira

«НАФОСАТ» БОҒИДА АНЖУМАН

Шоирнинг бошқалардан фарқи, унинг шеър ёзишида. Унинг бу «дард»га чалинишига теран нигоҳлари сабаб. Чунки шоир нозиккина япроқларнинг шитир-шитиридан тортиб, довуллар ҳайқириғидаги даъватгача илғайди, кўради. Унга шундай нигоҳ берилган.

Мана, икки кундирки, республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда республика ёш қаламкашларининг анъанавий «Нафосат» учрашувини ўтказишаяпти. Пойтахтдаги республика Нафис санъат лицейида бугун бошланадиган ушбу учрашувга мамлакатимизнинг турли вилоятларидан «теран нигоҳ»лар ташриф буюришган. Шунингдек, йиғилишда таниқли ёзувчилар, шоирлар ҳам қатнашишмоқдаки, сиз бу гўзал анжуман хусусида газетамизнинг сўнгги сонларида ўқийсиз. Ҳозир эса учрашувнинг баъзи қатнашчилари «дастурхони»дан бир чимдимгина илинамиз.

СУВ

Баланд-баланд бу тоғлар
Чўққисида зар қорлар.
Зар қорларнинг остида
Шилдир-шилдир сув оқар.
Қатра-қатра бу сувлар
Думалаб оқиб келар.
Пишқириб оққан сувдан
Яйраб кетади диллар.
Гуллар ичар бу сувдан
Тўйиб, чанқоқ босгунча.
Дарахт ичар бу сувдан
Меваси нақ пишгунча.
Сув ичиб пахта шона,
Сўнгра берар нишона.
Сув ичган каклик яна
Парвоз этар қувона!
Майсалар сочини юв,
Ёмғир бўлиб ёққан сув!

Дилсўз СОДИҚОВА,
Боғишамол туманидаги 30-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

ҚИЗАЛОҚ

Ялпизларга бошини қўйиб,
Йиғлаб-йиғлаб ётар қизалоқ.
Бармоқлари тупроқни ўйиб,
Тирнаб-тирнаб ётар қизалоқ.
Салқин баҳор шаббодалари,
Силаб-силаб ўтар бошини.
Ердан чиққан янги майсалар,
Ўпиб ётар қизнинг қошини...

ОҲУ

Сен бир оҳу жон-жонидан тўйиб
кетган,
Ғамдан қочиб дил-дилини ўйиб
кетган,
Туёқларинг чақмоқларни чақиб
кетган,
Бу дилимда ўзга сирни ёқиб кетган.

Кўзларингга боққан кўзим кўр
бўлмасму,
Мунис тупроқ изларингга зор
бўлмасму,
О, қалбингдан менга ҳам жой
топилмасму
Бу дилимда ўзга сирни ёқиб кетган.

Холида ТОШПЎЛАТОВА,
Янгийўл туманидаги 44-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

ХАЁЛЛАРИМ ДУНЁЛАРНИ ҚУЧАДИ

Болалигим — қайтиб келмас баҳорим,
Туйғуларим тўлиб оққан анҳорим,
Дарё каби тунлари ҳам бедорим,
Инжулардай қолиб кетди ўшанда.

Юраккинам дардларимни
сочади,
Хотиралар лаҳзаларда учади,
Хаёлларим дунёларни қучади,
Умидимни олиб кетди ўшанда.

Безовтаман, болалигим, айт — қайда,
Тойчоқ миниб, чопиб юрар
қир-сойда,
Етиб олай — у қўёшу, ҳам ойда,
Қалбга мақсад солиб кетди ўшанда.

Раъно ИСЛОМ қизи,
Ғаллаорол туманидаги 33-мактаб ўқувчиси.

Махфират Маннонова Денов туманидаги педагогика билим юртида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатади. Талабаларга нафосат ва лотин алифбосидан сабоқ беради. Уларнинг қалбига ватанпарварлик, миллий ғурур, истиқлол истиқболини идрок этиш каби инсоний туйғуларни сингдиришга ҳаракат қилади. Улар билан бўлган ҳар бир учрашув ва суҳбат унга оламолам қувонч бахшида этади.

СУРАТДА: Махфират Маннонова талабалар даврасида.

Шомил ШОКИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти вакант лавозимларга танлов ҳамда 1997 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1.

— педагогика фанлари — 13.00.00.

— педагогика тарихи ва назарияси — 13.00.01.

— меҳнат ва ҳунар таълими назарияси ва услубияти — 13.00.02.

аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юрти (факультет) илмий кенгаш тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3x4 ёки 5x6 ҳажмида), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.

II.

Вакант лавозимлар:

1) Лаборатория мудирлари (фан доктори ёки фан номзоди)

2) Етакчи илмий ходимлар (фан доктори ёки фан номзоди)

3) Катта илмий ходимлар

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000 Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 7-уй.

Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти аспирантура бўлими.

Факс: 136-22-12.
Тел.: 136-23-27.

Xullas

ЮЛИЯНИНГ «РУЧКА»СИ

Челябинск шаҳрида содир бўлган портлаш, оддийгина ручкадан чиқди. Юлиянинг мактабга келишда, йўлда сотувчидан харид қилган ручкаси шу «иш»ни қилди. Текширишларга қараганда, ручкага портловчи порох жойлаштирилган экан. Ҳозирча бунча «ташвиш» кимга керак бўлиб қолганлиги қоронғу. Йўлдаги «сотувчи» эса бу касбдан кўнгли қолган шекилли, ўша кундан бери еру кўкда йўқ.

ЖЎЛДАСБОЙНИНГ «МЕТОДИ»

Қозоғистонлик Жўлдасбой оға қош қўяман деб кўз чиқариб қўйди. У электр токини тежам қилмоқчи бўлиб, уйидаги саккизта хонани битта ўчириб-ёққичга «бўйсиндирди».

Ўтган шанба куни озгина «отиб» олган Жўлдасбойга хотини эшик очишдан бош тортди. Бир иложини қилиб бошқа хонага кириб олган Жўлдасбой энди хонанинг «свети»ни ўчириш йўлини излаб қолади ва дарров «топади». Яъни оёғидан махсисини ечади-да, шартта лампочкага ғилоф қилиб кийгизиб, ип билан боғлаб қўяди. Хуллас орадан икки соат ўтар-ўтмас уйдан кучли ёнғин чиқади.

ЙЎЛДАГИ «НАФАҚАХЎРЛАР»

Бу сафарги Мўғулистондаги ўғирлик кўпроқ кексаларни ташвишга солмоқда. Сабаби қариялар учун олиб кетилаётган 15 миллион миқдоридаги нафақа пули йўлда босқинчилар томонидан тортиб олинган. Мана, орадан икки ҳафта ўтди ҳамки, йўлдаги «нафақахўрлар» ҳалигача ушланганлиги ҳақида хабар йўқ. Жиноят қидирувчилар эса «топамиз»дан нарига ўтишмаяпти. (Қачонлиги босқинчиларга боғлиқ бўлса керак).

ana shunaqa gaplar

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ректорати ва касаба қўмитаси «Жанубий Осиё тиллари» кафедрасининг собиқ доценти АУЛОВА Рена Ароновна вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Нурлан УСМОНОВ,
Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6